



Gazeta 1995-yil,
10-iyundan chiqqa
boshlagan

Har oyda ikki
marta chop etiladi

Milliy tiklanish

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil,
26 avgust,
Juma

16
(322)
son

Шоғли 14 йил: Ўзгаруш, ўнгланиш, унш ва ўсиш

ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ

Шу йил 19 август кунин Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қатнашиб ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Кенгаш мажлисидаги ўз нутқида мамлакат парламентининг муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича фаолияти ҳақида фикр юритиб, бутунги куннинг кўпгина долзарб масалалари, шу жумладан, эл-юртимизнинг тинчлиги ва ҳаф солиб, барқарорлигини таъминлаш остида қўйилган вазифаларни аниқ равишда белгилаб берди.

Мажлисида Андижон воқеаларининг ҳолисона таҳлил қилини, бу фожиянинг асосий сабабларини чуқур ўрганиш ва ундан тегишли ҳуқуқсозлик чорабини ҳозирлаш вақтида бутун жаҳоннинг энг долзарб вазифаси бўлиб қолаётганга эътибор қаратилди.

Андижон воқеаларининг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, фарзали ва узокни ўйлаб амалга оширилган кўпуровчиликдан кўзланган асл мақсадни фожиянинг юзини ерга қаратиш учун сафарбар қилиш — ҳақ вақиллари, ҳақнинг таъини ва ишончи бўлиши депутатлар ва сенаторларнинг юксак масъулияти ва асосий вазифасига айлангани зарурлиги тўғрисида давлатимиз раҳбари кўйиниб гапирди.



Нукуснинг бугунги жамоли
Берниёз АЛЛАШЕВ олган сурат.

АСЛО ҚАРАМ БЎЛМАСМИЗ
Пирлар дуосини олаб,
палак ёзган Ватан бу,
Майдонда марду болиб
кўнгли ўсган Ватан бу,
Душман келса қоядай
йўлини тўсган Ватан бу,
Ҳеч кимдан кам эмасмиз,
Асло қарам бўламсимиз!

Кўнглимиз тоқчасида
бир чироқ ёниб турар,
Мангу алангасида
қирқ Широк ёниб турар,
Тошга битилган ҳатдай
шул сабоқ ёниб турар:—
Ҳеч кимдан кам эмасмиз,
Асло қарам бўламсимиз!

Сўнглаклар тилга кириб,
боболар ёни айтур,
Амир Темур бошида
туғлар мурофи айтур,
Дорда Дукчи эшонлар
фарё, саботи айтур:—
Ҳеч кимдан кам эмасмиз,
Асло қарам бўламсимиз!

Мовий гумбаз остидан
гулдаиб садо келар,
Чўпон, Фитрат, Қодирий,
Усмоғдай фидо келар,
Меҳрсаро онанинг
қўксидан нидо келар:—
Ҳеч кимдан кам эмасмиз,
Асло қарам бўламсимиз!

Асл деҳқон қўлда
омочлар кумуш бўлиб,
Хивич отан гўдаклар
эртан Алломиш бўлиб,
Кексаларнинг дуоси
сайраб найғамини бўлиб:—
Ҳеч кимдан кам эмасмиз,
Асло қарам бўламсимиз!

Ватан—борлиқ ҳаётим,
сенга жоним садаға,
Ҳар еришда жон иши
хонумларим садаға,
Даштлардаги эрмоним,
адресмоним садаға,
Ҳеч кимдан кам эмасмиз,
Асло қарам бўламсимиз!

Булул чаманин севар,
одам Ватанин севар,
Бир ҳовуч тулпоғига
теги бўлмағай дунёи эр,
Ватан—иймон, Ватан—дара,
кимки жон—таини севар—
Ҳеч кимдан кам бўлмағай!
Ойдин ХОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.

Раёно ЗАРИПОВА,
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси
Қонунчилик палатаси
депутати

ИСЛОҲОТЛАР ТАРАҚҚИЁТ ИФОДАСИ — ЭЛ ИРОДАСИ

Яшах ҳуқуқи — устувор ва умуминсоний қадрият

Энг азиз, энг улуг айём—Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинган Президентимизнинг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш», Ўзбекистон Республикасида Улим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Фармонлари мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди ва барчада катта таассурот қолдирди. Умуман, Президентимизнинг ҳар бир Фармони ва маърузаларини халқимиз катта қизиқиш билан кутиди. Бойси, юртбошимиз ўз маъруза ва фармонларида элнинг дилини тоғдилар, орзу илтишларига муносиб жавоб берадилар.

Президентимиз Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ҳамда Сенатининг биринчи қўшма мажлисидаги (2005 йил 28 январь) маърузасида санкция бериш ҳуқуқларини судларга ўтказиш, Улим жазосини бекор қилиш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг маъсулиятини кучайтириш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Набатдаги икки фармон ана шу маърузанин мантиқий давом ҳақида суд-ҳуқуқ тизимидagi ўзига хос янги бир босқич, Ватан равнақи, юрт тинчлиги йўлида дадил пиллаво бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конститу-

циясининг 24-моддасида «Яшах ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят» деб таъриф берилган. Ана шу қомий ҳужжатимизга асосан мустақиллик йилларида қонунларда белгиланган Улим жазоси тайинлаш тўғрисидаги моддалар босқичма босқич 33 тадан 2 тага туширилган эди. Эндиликда Президентимизнинг Фармонида асосан 2006 йил 1 январдан у моддалардаги Улим жазоси бекор бўлди.

Суд-ҳуқуқ тизимидagi ишбу ислохотлар дунёдаги халқаро ташкилотларнинг эзгу амаллариға мос келди. Масалан, 2005 йил 21 апрелда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси томонидан Улим жазосини бекор қилиш юзасидан резолюция қабул қилинди. Унда дунё мамлакатларининг барчасида Улим жазосини бекор қилишни талаб этилди. Улим жазоси қўлга олинган мамлакатлар эса бу жазо турига нисбатан мораторий қўллашлари ва воёга етмаганларга ҳамда руҳий хасталарига нисбатан Улим жазоси умуман қўлланмаслиги қатий қўрастирилган.

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Мустақилликнинг 14 йили ҳақида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 10 йиллигига бағишлаб Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида УЗМТДП Марказий Кенгаш девони ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдурашид Тўхтабоев Андижон вилоят ва туман партия кенгашлари раислари, маориф вазири ҳамда маҳалла фаоллари иштирокда кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар партиянинг сайловдан кейинги фаолияти тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, партиянинг вилоят кенгашлари ишини янада жонлантириш мақсадида жойларда етарлича шароитлар яратиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, аниқ вазифалар белгилаб олиш тўғрисида маслаҳатлашиб олинди.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг 10 йиллигига бағишлаб Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида УЗМТДП Марказий Кенгаш девони ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдурашид Тўхтабоев Андижон вилоят ва туман партия кенгашлари раислари, маориф вазири ҳамда маҳалла фаоллари иштирокда кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасида «Жамиятнинг тараққиётида аёлларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди. Унда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати Мунира Қориева, Раёно Зарипова ҳамда УЗМТДП Марказий Кенгаш раиси ўринбосари Хайриёнова Мирзахонова лар иштирок этиди. Партиянинг кенгашлари томонидан жойларда олиб борилаётган ишлар, унда хотин-қизларнинг иштироки тўғрисида гапириб, йиғилиш катташчилари билан фикр алмашиб олинди.

КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Бутун Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов МДХ Давлат раҳбарларининг Қозон шаҳридаги навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси очилди.

ҚУЁШ ТИГИДА ТОБЛАНГАН ЮРАКЛАР ЖАМ БЎЛИБ, ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА МЕҲНАТ ҲОВУРИДАН ТИН ОЛИБ БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНГА НИМА ЕТСИН?



«Миллий тикланиш» газетасига обуна бўлдингизми?
«Миллий тикланиш» Сизга яхшилик келтиришини билдасизми?
2006 йил ОБУНАСИ
«Миллий тикланиш» газетасига «Ўзбекистон почтаси», «Матбуот тарқатувчи» бўлимлари, «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят, шаҳар, туман кенгашлари орқали обуна бўлиш мумкин.
«МТ» обунамиз индекси: 158

Таклиф, Мулоҳаза, Муносабат

ЯНАДА ФАОЛ БЎЛАЙЛИК



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси бугунги кунга қадам мамлакатимизнинг кўп партиявийлик тизимига ўзининг шаклланиш жараёнини босиб ўтди. Халқимиз орасида «Обрў» — ўзбекча Партиянинг нақ йиллардан оқибатдаги ўзгаришларини таъриф қилиш билан биргачи, ҳақ ичига кириб боришига, ҳақ орасида ишонч қозонишига сабаб бўлди.

«ЎЗИНГДАН ҚУЙМАСИН ХАЛҚИМ...»

Шарифа САЛИМОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Учаётган ҳар қандай куш толгин қанотларига қувват тушмоқчи, учун ерга қўнади. Бу — Ватан! Ҳақнинг сиймай тўлгани оқаётган давралар қирғоқларга бош уриб ювшапандилар. Бу — Ватан! Тошлардан тошларга сакраб, нозик тўёқларидан қумушлар сачратиб учаётган оҳулар, қояларга кўксини қадаб қўйишга юз тутган бургутлар, қирларда қуюндек учаётган Бойчобури Фиротлар кўксига ўз Ватани билан яшайди. Уни ўз уйи, Улан тушаги деб биледи. Шовирларнинг сўзлари ўз Ватанини топмагунча халқнинг тилига тушмайди, юракларига ларзага солмайди.



Кексалар доим ардоғинида

«Айнаини қора қошу қўзингдан — а, ўзингдан қуймасин, халқим, ўзингдан — а...»
Ҳар йили Ватанимизнинг энг азиз, энг муътабар байрами яқинлашаверган экан, кўншқ сўзи ва қўйи билан туну кун миёнда чарх уради. Қорачадан келган, камсуқум, ҳақ шонир Муҳаммад Юсуф рўпарамда турниб, шикаста овозда барчамизга ёқ бўлиб кетган ўша сатрларни деярли шивирлаб тақорондайди. Ҳақ сатрларини Зоми тоғлари хайратга тушиб тинглаганди, ёғир шивалаб турган, биз Уриқасойдан Сунага —

Б. БОБОЖОНОВ,
УЗМТДП Хоразм вилояти Кенгаши раиси.

тоғ тепасига саккам икки метр балангликка машинамиз сирғона — сирғона амаллаб чиқиб олганимизда утовда курт ва қимиз билан сийлаган момо Муҳаммад Юсуфнинг елкаларини сийлаб, ҳаммамизни дуо қилган эди. Чўққиларини булулт ўзига тоғлар, минг йиллик арчалар, тоғнинг нақ кўксидан гумбулраб отилаётган шаршара, гулг харсантошлар — Ватанининг овозини эшитган эди. Тошкент вилояти — н и н г Паркент, Бекобод тумани — ларидаги учрашувлар... Кеча — г и д а й ёдимда. М у х л и с л а р б и л а н т ўлиб — тошган эл шеър билан нафас оларди. Денгиздай шоувулларди. Шариллаб қуяётган ёғир, аллақачон ўтиб кетган тулшқ ҳам ҳеч кимнинг хаёмига келмасди. Фақат бир нарса: дунёда СЎЗ бор эди. Бу сўз инсонинг ўзини ўзига танитадиган, мудоқ турлар исканжанси дунёда халос қиладиган, далада ўсган ёшан исларини димоққа урадиган, оёқларини маҳкам ушлаб турган замин Онаси эканлигини эслатадиган СЎЗ эди. Бир донинг мақднинг айтишича: «Ватанга муҳаббат — ажойиб туйғу. Лекин ундан — да теранроқ бир туйғу борки, у ҳақиқатта бўлган муҳаббатдир.

